# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

( Боши биринчи бетда).

Бугун бўлиб ўтган музокараларда Эфиопия раҳбарлари мамлакатнинг революцион тараққиёти ҳақида бизга ахборот бердилар. Социалистик жамият негизларини барпо этиш учун курашаётган Эфиопия меҳнаткашларининг ютуқлари бизни астойдил қувонтиради. Илмий социализм принципларига амал қилувчи ҳукмрон авангард партиянинг барпо этилажаги Эфиопия революциясининг энг зарур вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Эфиопиялик дўстларга ўзлари танлаб олган йўлда сидқидилдан янги муваффақиятлар тилаймиз. Аввал бўлганидек, бу ишда ҳам улар Совет Иттифоқининг ҳар томонлама мададига умид боғлашлари мумкин.

Бизнинг учрашувимиз жаҳон майдонидаги ҳозирги хатарли вазиятнинг сабабларини баҳолашда Совет Иттифоқи билан Эфиопиянинг тўла якдиллигини яна бир бор тасдиқлади. Бу вазиятнинг асосий манбаи яхши маълум, бу манба жаҳон ҳукмронлигини даъво қилиб, ашаддий милитаризм ва кескинликни зўрайтириш йўлига ўтиб олган энг агрессив империализм кучларининг сиёсатидир.

Америка маъмурияти ўз сиёсатини ниқоблаш учун ҳозир ўзини «сулҳпарвар» қилиб кўрсатишга жон-жаҳди билан уринмоқда, аммо бу нарса амалда нимадан иборат эканини ҳамма кўриб турибди. Яқинда Совет Иттифоқи ўз ўрталаридаги муносабат нормаларини биргаликда тан олиш ҳақида ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар билан келишиб олишга тайёр эканини изҳор қилди, бу нормалар пировард натижада, ядро қуролларини қисқартиришга, сўнгра эса тугатишга ҳам кўмаклашиши лозим. Хўш, АҚШдагилар бунга қандай жавоб беришди? Вашингтондагилар бу таклифга жавоб бермаганликларини айтишим керак.

АҚШнинг халқаро кескинликни юмшатишни кўзлаб, вазминлик ва куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик руҳида ҳаракат қилишга тайёрлиги тўғрисидаги сафсаталари нималигини Никарагуа мисолида яққол кўриш мумкин. Америка махсус маҳкамалари ва уларнинг малайлари бу мамлакатга қарши пинҳона уруш олиб бормоқдалар. Улар зўравонлик қилмоқдалар, тинч аҳолини ўлдирмоқдалар. Вашингтондагилар ўзларининг давлат терроризми, суверен давлатларнинг ишларига аралашув сиёсатини халқлар «сулҳпарварлик» деб қабул қиладилар, деб ўйлаётганмиканлар? Бундай деб ўйлаш — жуда қаттиқ янглишишдир.

Империалистларнинг сиёсати Ер куррасининг кўпгина районларига соя ташлаб турибди. Эфиопия сингари социалистик йўналиш сиёсатига амал қилаётган ва ажнабий монополияларнинг измига юришни хоҳламаётган давлатларга нисбатан улар, айниқса, ғанимлик қилмоқдалар.

Бироқ, тарих ғилдирагини тескари буриш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Чинакам мустақиллик ғоясига берилиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқларни енгиб бўлмайди. Бу — давримизнинг тарихий қонуниятларидан биридир.

Ҳозир Африка жанубида мураккаб вазият вужудга келмоқда, бу ерда Жанубий Африканинг ирқчи режими АҚШнинг ҳомийлигида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Намибия мустақиллиги хусусидаги резолюцияларини писанд қилмасликка ва Африкадаги қўшни давлатларга қарши ошкора агрессия ҳаракатлари қилишга ўзини ҳақли деб ҳисобламоқда.

АҚШ ва унинг баъзи иттифоқчилари қамчи ва холва методини ишга солиб, африкалик халқларнинг тинчликда ва барқарорлик шароитда яшашдан манфаатдорлигидан фойдаланиб қолишга интилиб Жанубий Африка регионни халқларини ўз иродасига бўйсундиришга интилмоқдалар. Аммо халқлар Африка жанубидаги вазиятга ЖАР агрессияси қурбони бўлган Африка давлатларининг хавфсизлиги ҳақиқатан ҳам гарантиялаб бериладими ёки йўқми эканлигига, Намибия халқи ўз озодлиги ва мустақиллигига эга бўладими ёки йўқми эканлигига, ниҳоят, шармандали апартеид системаси тугатиладими ёки йўқми эканлигига қараб баҳо берадилар.

Совет Иттифоқига келганда, у аввалгидек Ангола, Мозамбик ва бошқа «фронт ёқаси» давлатларини, шунингдек Африка жанубини мустамлакачилик ва ирқчиликдан халос қилиш йўлидаги курашчиларни қатъият билан қўллаб-қувватлайверади.

Совет Иттифоқи Африкада БМТ ва Африка Бирлиги Ташкилоти принципларига мувофиқ музокаралар орқали ҳал этиб бўлмайдиган масалалар йўқ, деб ҳисоблаб, бутун сиёсий вазиятни соғломлаштириш учун муттасил ҳаракат қилаверади. Бу жараёнда Африка давлатларининг ўзлари ҳал қилувчи роль ўйнашларига ҳам аминмиз.

Биз Африка проблемаларига принципиал ва очиқ-равшан ёндашяпмиз. Биз африкаликларнинг ўз орзу-умидларига зид бўлиб тушадиган бирон-бир манфаатларни кўзлаётганимиз йўқ. Айни вақтда биз бу қитъани ялпи сиёсий ва айниқса ҳарбий мухолифлик майдонига айлантиришга қатъиян қаршимиз. Бинобарин, биз Африкани ёки унинг айрим районларини бирон бир давлатнинг «ҳаётий манфаатлари» соҳаси деб эълон қилиш йўлидаги уринишларни қатъиян рад қиламиз, албатта.

Империализмга қарши, ирқчилик ва мустамлакачиликка қарши кенг платформада, шу жумладан, Африка Бирлиги Ташкилоти доирасида Африка халқларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш Африка қитъасидаги сиёсий иқлимни соғломлаштиришнинг зарур шартидир.

Кейинги вақтларда Африкадаги мустақил давлатларнинг бу ташкилоти ўз бирлиги душманлари вужудга келтираётган қийинчиликларни зўр ғайрат билан бартараф этишга интилаётганини мамнуният билан қайд этамиз. Бу ишда Африка Бирлиги Ташкилотининг ҳозирги раиси ўртоқ Менгистунинг хизмати катта.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, Совет Иттифоқида Социалистик Эфиопиянинг ҳозирги замон актуал проблемалари хусусидаги принципиал позицияси, унинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашга қўшаётган ҳиссаси юксак баҳоланмоқда. Ҳозир музокаралар натижасида Эфиопия билан дўстона муносабатлар янада ривож топишига ишончим комил.

Меҳмонимиз — Эфиопия революциясининг атоқли раҳбари ўртоқ Менгистунинг соғлиғи учун!

Барча ҳурматли эфиопиялик меҳмонларнинг соғлиғи учун!

Пролетар интернационализми принципларига асосланган мустаҳкамланиб борувчи Совет — Эфиопия дўстлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

* * *

Менгисту Хайле Мариам жавоб нутқи сўзлади.

## Ўртоқ Менгисту ХАЙЛЕ МАРИАМ нутқи

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, азиз ўртоқ Константин Устинович Черненко!

Ўртоқлар!

Аввало мен шу ажойиб қадимий шаҳар — Москвага келган пайтимиздан бошлаб, биз қардошларча, самимий кутиб олинаётганлигимиз учун, шунингдек ҳозир ўртоқ Черненко Эфиопия халқи ва революцияси тўғрисида, мамлакатимиз раҳбарлари ҳақида айтган ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд самимий дўстликни шу қадар ёрқин ифода этаётган эзгу сўзлар учун ЭМПТК Марказий Комитети, Эфиопия халқи, Муваққат ҳарбий ҳукумат номидан ва шахсан ўз номимдан қувончимиз ҳамда миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчиман.

Совет Иттифоқи билан революцион Эфиопия раҳбарлари ўртасида олий даражадаги мунтазам учрашувлар ҳамда самарали суҳбатлар мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам алоқалар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириб, зўр куч бахш этмоқда. Шу муносабат билан мен бу мақсадга батамом мос бўлиб тушадиган таклиф учун Совет Иттифоқининг дўст халқига, Совет ҳукуматига ва КПССга астойдил ташаккур изҳор этаман.

Ўртоқ Черненко!

Ўртоқлар!

1974 йилда бошланган революциямиз тарихида Совет Иттифоқи аввал бошданоқ бериб келаётган ҳар томонлама ёрдам ғоят катта роль ўйнамоқда. Социалистик мамлакатлар, биринчи навбатда уларнинг авангардида бораётган Совет Иттифоқи пролетар интернационализми принципларига асосланиб ва ўзларининг революцион бурчини изчиллик билан бажара бориб, ташқи агрессорлар ҳамда ички реакция революциямизни орқага буриб юборишга уринган бир даврда бизга ёрдамга келганликларидан Эфиопия халқи миннатдордир ва буни у ҳеч қачон унутмайди.

Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва социал соҳалардаги мавжуд алоқалар муттасил ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигимиз бунинг амалдаги далилидир. Ватанимизни қолоқликдан халос қилиш ва социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш йўлидаги машаққатли курашда қардош Совет Иттифоқи бериб келган ва бераётган ёрдам алоҳида роль ўйнамоқда.

Биз улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан ўрганаётган тажриба революция ва халққа раҳбарликни ўз зиммасига оладиган мустаҳкам партияни ташкил этишнинг ҳозирги якунловчи босқичида биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. ЭМПТК билан КПСС ўртасидаги ҳозирги алоқалар ва тажриба алмашув Эфиопия меҳнаткашлари бўлажак партиясининг иши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирмоқда. Бизга берилган ва берилаётган ёрдам учун КПССга, Совет ҳукумати ва халқига Эфиопия халқи ва ҳукумати номидан яна бир бор сидқидилдан ташаккур изҳор этаман.

Эфиопия халқи социалистик жамият барпо этиш йўлини танлаб олган пайтдан буён бизнинг кўпгина синовлардан ўтишимизга тўғри келди. Қолоқ феодал режимини ағдариб ташлаш, деҳқонларнинг энг қамбағал табақалари ўртасида ерни тақсимлашдан бошлаб социализм асосларини барпо этиш томон ўтишгача бўлган ана шу бутун йўл давомида биз мағлубиятларни ҳам, ғалабаларни ҳам бошдан кечирдик.

Бизнинг куч-ғайратларимизни зўр эътибор билан кузатиб бораётган Совет Иттифоқидаги ўртоқларимизга бизга мерос бўлиб қолган қолоқ экономикани соғломлаштиришга ва Эфиопия революцияси тонготарида авж олдириб юборилган босқинчилик агрессияси давомида вайрон қилинган объектларни қайта тиклашга қаратилган ҳар томонлама иқтисодий ривожланиш кампаниясининг турли босқичларида эришишга муваффақ бўлинган натижалар маълум. Табиий бойликлар ва одам ресурслари нуқтаи назаридан қараганда, революцион Эфиопия олдида порлоқ истиқболлар очилаётганлиги шубҳасиз. Аммо шу билан бирга экономикани ривожлантиришнинг ана шу икки асосий омили зарур капитал маблағлар ва замонавий технология билан ўз вақтида мустаҳкамланмас экан, у ҳолда бизнинг куч-ғайратларимиз етарлича натижаларни бермаслигини биз жуда яхши англаймиз. Биз шунга ҳам шубҳа қилмаймизки, қисқа вақт ичида мамлакатнинг ўн миллиондан зиёд катта ёшдаги гражданини саводсизлик кишанидан озод қилишга муваффақ бўлганлигимиздан биз ҳам, шунингдек дўстларимиз ҳам фахрланмоқдалар. Бу — мамлакат учун малакали кадрлар тайёрлашдан иборат катта планларни амалга оширишга қўшилган муҳим ҳиссадир. Шу нарса ҳам равшанки, саводсизликни тугатиш юзасидан муваффақиятли равишда ўтаётган кампания давомида, шунингдек умумий таълим системасида марксизм-ленинизм ғоялари халқ ўртасида оммалаштирилаётганлиги революцион халқнинг маънавий ва моддий кучларини ривожлантириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда, биз раҳбар сиёсий ташкилот — ЭМПТК II съезди қарорлари ҳамда съезд қабул қилган ҳаракат программаси асосида партияни ташкил этишнинг якунловчи босқичини тугалламоқдамиз. Шу муносабат билан мен илгари айтиб ўтганимдек, КПССнинг тажрибаси ва мадади бу ишга катта фойда берди. Эфиопия Меҳнаткашлар партияси бунёдга келганлигининг шоҳидлари бўладиган пайт яқинлашиб қолганлигини Большевиклар партияси улуғ ишининг содиқ давомчиларига — Совет Иттифоқидаги ўртоқларга бугун айтиш менга зўр қувонч бахш этади. Эфиопия халқи ва унинг революционерлари шундай партияни тузиш йўлида жуда катта қурбонлар бердилар. Биз катта ёрдам ва мадад берилганлиги учун сизлардан, курашдаги иттифоқчиларимиздан миннатдормиз.

Ўзларингизга маълумки, Эфиопия кўпгина халқлар яшаётган бир диёрдир. Миллатлар институти ташкил этилганлиги революциямиз яқинда эришган ютуқларнинг биридир. Бу институт мамлакатда миллий масалани ўрганиши, шунингдек халқ демократик Эфиопиянинг асосий қонуни бўлиб қоладиган конституцияни ишлаб чиқишга ёрдам бериши керак. Шу жиҳатдан кўп миллатли Совет давлатининг тажрибаси биз учун бебаҳодир. Эфиопия меҳнаткашлари авангард партиясининг яшаш қобилиятини таъминлаш, ташқаридан бўладиган ҳар қандай кутилмаган ҳужумни муносиб равишда даф эта оладиган халқ мудофаа кучларини мустаҳкамлаш, ҳамда мустақил ва бақувват социалистик экономикани вужудга келтиришни жадаллаштириш шу куннинг асосий вазифасидир.

Иккинчи томондан революцион Эфиопиянинг халқ фаровонлигини, адолат ва мустақилликни таъминлайдиган социалистик тузум барпо этиш йўлидаги бунёдкорлик курашига тўсқинлик қилишга интилаётган империализм ва реакция кучлари мамлакатимизга хуружлар қилиб, турли синовларга дучор этмоқдалар, революциямизни бостириш ҳамда мамлакатнинг территориал бутунлигига путур етказиш учун зўр бериб уринмоқдалар ва ҳатто агрессив ҳаракатлар қилмоқдалар. Аммо Эфиопиядаги революция халқ оммасининг қатъий мададига таянаётган экан, бу кучлар бизни халқ танлаб олган йўлдан четга чиқара олмайдилар. Шунга қатъий аминмизки, биз илгари реакционерларнинг фитналарини барбод этиб, ғалабаларга эришганимиздек, келгусида ҳам олдимизда турган вазифаларни дўстларимизнинг интернационал мадади билан бажараверамиз.

Ўртоқ Черненко!

Ўртоқлар!

Дунёдаги сиёсий аҳволнинг анализи у ҳар қачонгидан кўра кўпроқ кескинлашиб кетганлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги вазият империализм ўзининг ҳарбий базаларини кенгайтиришга уринаётганлигидан, ҳарбий устунликка эришиш учун иғвогарлик кирдикорларини ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашувни кучайтираётганлигидан яққол далолат беради. Империализм кенг халқ оммасининг тинчликка бўлган муддаосини назар писанд қилмай, унинг ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш борасидаги куч-ғайратларига тўсқинлик қилиб, ҳарбий устунликка эришишга ва инсониятни ҳалокатга дучор этишга интилмоқда. Бу — давримизнинг ташвишли фактидир.

Биз талайгина куч-ғайрат сарфлаш натижасида Африка Бирлиги Ташкилотини барбод бўлишдан қутқариб қолишга эришилганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Бу африкаликларнинггина эмас, шу билан бирга барча тинчликсевар кучларнинг ҳам ғалабасидир. Бироқ Африка Бирлиги Ташкилотига қарши фитна барбод этилганлигига қарамай, шу ташкилотни бекарор қилаётган кучлар Африка иттифоқи ва бирлигини қўпориш йўлидаги уринишларини тўхтатмаяптилар.

Африка сиёсат ва экономика соҳасида мустамлакачилик мероси бўлган қолоқликни бартараф этиш проблемасини ҳал этиши ва хўжакўрсинга эмас, балки реал сиёсий мустақилликка эришиши керак бўлади. Африка мамлакатлари олдида экономикани ривожлантириш ҳамда социал адолатга эришиш соҳасида катта ва масъулиятли вазифа турибди. Янги мустамлакачилик кучлари Африкада ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзларининг таъсир зоналарини кенгайтириш режаларига асосланиб, бу қитъани хом ашё ва ишчи кучи манбаига, шунингдек ўз молларини сотиладиган бозорга айлантириб қўйдилар. Шу боисдан, Африка мамлакатларининг бошлиқлари Лагосда қабул қилинган ҳаракат планига мувофиқ қитъани эксплуатациядан озод қилиш, 500 миллионли Африка аҳолисининг қолоқлигини тугатиш ва чинакам мустақиллигига эришиш ҳозирги ғоят муҳим вазифа эканлигини айтдилар.

Мен ҳозирги пайтда Африка Бирлиги Ташкилотининг раисиман ва бунинг ғоят катта масъулиятини батамом англайман. Биз Чаддаги ва Ғарбий Саҳрои Кабирдаги аҳвол, ташқи кучларнинг ички ишларга аралашувини бартараф этиш, қитъа халқларининг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш каби Африкада вужудга келган мураккаб сиёсий проблемаларни ҳал этиш учун турли чора-тадбирларни кўрдик. Мавжуд проблемаларни тинч йўл билан ҳал этиш соҳасидаги куч-ғайратлар давом эттирилади.

Африка жанубидаги халқларнинг курашини қўллаб-қувватлаш ва Намибия мустақиллигига эришишга тўсқинлик қилиш йўлидаги беҳуда уринишларни барбод этиш ташкилотимиз фаолиятида катта ўрин олган бошқа бир муҳим масаладир. Беш мамлакат аъзо бўлган «Алоқа группаси» деб аталмиш группа Намибия халқига мустақиллик бериш масаласини ҳал этишни чўзиб, бу масалани унга алоқаси бўлмаган шартлар билан боғлаётганлиги факти ана шу мамлакатлар ирқчи Претория режими позицияларини ва манфаатларини ёқлаб ҳаракат қилаётганликларини равшан кўрсатмоқда. Куба интернационалистларининг Анголада туриши — шу мамлакат ҳукуматининг ички иши бўлиб, Намибия мустақиллиги проблемаси билан асло боғланиши мумкин эмас. Империализм эса мазкур регионда ўзининг стратегик мақсадларига эришиш учун маккорлик билан шундай қилишга уринмоқда. Барча тинчликсевар ва эрксевар халқлар инсон зотига душман ЖАР режимини тугатиш ҳамда БМТ ва Африка Бирлиги Ташкилоти қарорларини тезроқ амалга ошириш борасидаги куч-ғайратларини давом эттиришлари керак.

Империалистик мамлакатларнинг ғаламислик сиёсати натижасида вужудга келган проблемаларга, чунончи, Фаластин халқи ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятидан маҳрум қилинганлиги, Ливандаги, Лотин Америкасидаги ва дунёнинг бошқа районларидаги кескин вазият каби проблемаларга зўр эътибор берилиши лозим.

Қурол-яроғларни қисқартириш йўллари ҳозирча топилмаган экан, бутун дунёда тинчлик гарантиялари жуда заифдир. АҚШ ҳукумати қуролсизланишга йўл қўймаслик учун ҳар хил тўсиқларни вужудга келтирмоқда. Шу жиҳатдан тинчлик учун, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш учун изчил курашаётган Совет Иттифоқи ҳукуматининг актив куч-ғайратлари, шунингдек у ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида зиммасига мажбурият олганлиги жаҳондаги барча тинчликсевар кучларнинг астойдил ҳурматига сазовор бўлмоқда. Биз шуни айтамизки, Социалистик Эфиопия қуролсизланиш, бутун дунёда хавфсизлик ва тинчлик масалаларида ҳамиша Совет Иттифоқи билан ва дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан ёнма-ён бўлади.

Жаҳондаги тенг ҳуқуқли бўлмаган иқтисодий тартиб бутун дунё ва айниқса, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган бошқа бир проблемадир. Ҳозир ривожланган мамлакатлар тобора кўпроқ бойимоқдалар, ривожланаётган мамлакатларнинг экономикаси эса аянчли аҳволда қолмоқда. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар қарзини (бу қарзнинг ҳажми 700 миллиард долларга яқинлашиб қолди) тугатиш йўллари чуқур ўрганилмас экан, шу проблема ҳал этилмас экан, бу давлатлар ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилиши мумкинлиги тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ.

Ҳозирги халқаро иқтисодий тартиб батамом ўзгартирилмаган тақдирда ривожланаётган мамлакатлар абгор бўладилар.

Касаллик ва очликдан азоб чекаётган юз миллионлаб болалар, қариялар, катта ёшдаги аҳолининг ғоят ночор аҳволи бугунги реал воқеликдир.

Азиз ўртоқ Константин Устинович Черненко!

Азиз ўртоқлар!

Биз қатъий ишонч билдириб айтамизки, иккала мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва социал соҳалардаги мавжуд ҳар томонлама ҳамкорлик формалари яна ҳам кўпроқ чуқурлашиб, янада самарали бўлиб қолади.

Сўзимнинг охирида Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқига социалистик жамиятни ривожлантиришда чин қалбдан янгидан янги ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи билан Эфиопиянинг мустаҳкам дўстлиги учун!

Ўртоқ Константин Устинович Черненконинг соғлиғи учун!

Бутун дунёда тинчлик ва социализм тантанаси учун! — деб қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз.

* * *

К. У. Черненко ва Менгисту Хайле Мариам ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

(Боши биринчи бетда).

махсус қурилиш ишлари министрликларига, Навоий қурилиш бошқармасига минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишга тушириладиган ҳамма объектларнинг қуриб битказилишини таъминлаш юзасидан конкрет топшириқлар берилди.

Самарқанд область партия комитетининг фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишни таъминлаш, маҳсулотнинг техникавий савиясини ва сифатини ошириш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Бу муҳим ишда бир талай камчилик ва нуқсонлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Бюро Самарқанд область партия комитетининг зиммасига фан ва техника ютуқларини, ишлаб чиқариш новаторларининг таклифларини халқ хўжалигига жорий этишга партиявий раҳбарлик савиясини ошириш вазифасини юклади.

Республикада ягона сиёсий кунларни ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ички ва ташқи сиёсат проблемалари соҳасида партия фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги сиёсий ахборотни яхшилаш, сайлаб қўйилган партия органларининг коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги чорвачиликдаги наслчилик иши илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг давлат интизомига риоя қилиш соҳасидаги иши муҳокама этилди. Министрлик коллегиясининг ва наслчилик бирлашмаси раҳбарларининг диққат-эътибори бирлашма ва унинг бўлинмалари фаолиятидаги жиддий камчиликларга қаратилди. Бюро Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва наслчилик бирлашмаси зиммасига селекция-наслчилик иши савиясини тубдан ошириш вазифасини юклади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасидаги тадбирлари комплекс плани муҳокама этилиб, маъқулланди.

Бюро хотин-қизлар ўртасида ишлашнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирларини кўриб чиқди. Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, министрликлар ва идораларга, халқ депутатлари Советлари, ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига хотин-қизлар ўртасида ишлашни яхшилаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини сабот билан ошириш, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, она ва бола соғлигини муҳофаза қилишни яхшилаш топширилди. Партия комитетларига хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш ишини яхшилаш таклиф қилинди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини ҳам муҳокама этиб, улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақага республиканинг юз минглаб ёш меҳнатчилари қўшилиб, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳаракатида, иқтисод ва тежамкорлик учун, ҳар бир иш жойида намунали тартиб ва интизом учун курашда қатнашмоқдалар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 30 март куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда гапирилди. Пленум қатнашчилари республика комсомол ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Пленумда комсомол ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва идеология фаолияти савиясини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшиш, пахта, дон, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ошириш соҳасидаги юксак мажбуриятларни бажариш — ёшларнинг энг муҳим бурчидир. Комсомолга В. И. Ленин номи берилган куннинг 60 йиллигига, республика билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллигига бағишланган зарбдор вахта давомида ёш меҳнатчилар бошлаган ватанпарварлик ташаббусини кенг оммалаштириш лозим. (ЎзТАГ).

# ГЕОЛОГЛАР КУНИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги совет ер ости разведкачиларининг касб-кор байрамини — Геологлар кунини нишонламоқда. Бу байрам апрель ойининг биринчи якшанбасида — дала мавсуми арафасида ўтказилади. Қидирув партияларининг меҳнатчилари ва геофизиклар, пармаловчилар ва тоғ қазувчилар, ўнлаб касбларнинг минглаб соҳиблари КПСС XXVI съездининг индустрия, минерал хом ашё базасини кенгайтириш юзасидан белгилаб берган вазифаларини ҳал этишга ҳисса қўшмоқдалар. Мис, дала шпати, бошқа бир қанча фойдали қазилмаларнинг разведка қилинган запасларини кўпайтириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқлар бажариб бўлинди. Газ ва фосфорит, ер ости сувлари, бинокорлик материаллари конлари муваффақиятли равишда ўрганилмоқда.

Геологлар куни муносабати билан 30 март куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шулар ҳақида гапирилди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР геология министри Ҳ. Т. Тўлаганов доклад қилди. (ЎзТАГ).

# Чет элларда

## ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

**Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа ўзининг Совет Иттифоқига қиладиган расмий визити муносабати билан ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: «Иккала томон мулоқотни давом эттиришга интилаётганлиги туфайли Индонезия билан СССР ўртасида яхши муносабатлар давом этмоқда. Халқаро анжуманларда биз тинчлик учун, ядровий ҳалокат хавфининг олдини олиш учун кураш сингари энг муҳим масалаларда бир хил ёки бир-бирига яқин позицияларда турибмиз».**

Индонезия СССР билан яхши муносабатларни давом эттиришни ўз ташқи сиёсатининг муҳим жиҳати деб билади, деб таъкидлади у. Бўлғуси визит чоғида биз Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабат, ядровий қуролланиш пойгаси проблемалари хусусида Совет Иттифоқининг позицияси билан танишиш истагидамиз. Мамлакатимиз раҳбарлари визитдан фойдаланиб, Индонезиянинг ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН)га аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг Жануби-Шарқий Осиё проблемалари хусусидаги фикрини етказишни хоҳлайдилар.

Индонезия ташқи ишлар министри «менинг Совет Иттифоқига визитим иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади», деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

## ЯНА ПОРАХЎРЛИК

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Сайлаб қўйилган амалдорлар ўртасида порахўрлик, фирибгарлик, хизмат мавқеидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш АҚШда юқумли касалликка айланиб қолди. Бу сафар Нью-Жерси штатидаги Атлантик-Сити курорт шаҳрининг собиқ ҳокими М. Мэтьюс жиноят устида қўлга тушди. Яқин вақтдан бери бу шаҳар АҚШ «қиморбозларининг пойтахти» номини олиш учун Лас-Вегас шаҳри билан муваффақиятли равишда рақобат қилиб келмоқда.

Ньюарк шаҳридаги (Нью-Жерси штати) федерал катта жюро Мэтьюсни пинҳона бизнес вакиллари билан алоқа қилишда айблади. Тергов материалларидан АП ахборот агентлигига маълум бўлишича, 1981 йил декабрида у Филадельфиядаги ташкилий жиноятчилик пешволаридан биридан 125 минг доллар олган. Бунинг эвазига келгуси йили Атлантик-Ситининг ҳокими лавозимига сайланиб олган Мэтьюс шаҳарда ташкилий жиноятчилик учун «жуда қулай» шароит яратиб берган.

# ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

НАМАНГАН, 29 март. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Наманган область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорлари асосида пахта етиштиришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан область маҳаллий Советлари, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область ижроия комитетининг раиси М. Обидшоев шу масала юзасидан доклад қилди.

* * *

ҚАРШИ, 30 март. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль Пленумлари ва СССР Олий Советининг IX сессияси қарорларини амалга ошириш юзасидан область маҳаллий Советларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Т. С. Сахатов доклад қилди.

Депутатлар область халқ контроли комитетининг ва область Советининг халқ маорифи ва маданият доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботларни ҳам тингладилар.

## ЁЗГИ ВАҚТГА ЎТИШ

СССР ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси хабар қилишича, 1984 йилнинг 1 апрелидан Совет Иттифоқининг бутун территориясида ёзги вақт амал қила бошлайди. 1 апрель 0 соатда соатларнинг милини бир соат олдинга суриш билан ёзги вақтга ўтилади.

# МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

## ЮБИЛЕЙГА АРМУҒОН

**Ленин орденли Иван Гук бошқараётган машина кабинасида Қизил юлдуз рамзи туширилди. Илғор ҳайдовчи шу беш йилликда топшириқларни барвақт бажарганлиги учун олтинчи марта ана шундай нишонга муяссар бўлди. Ҳозир у 1987 йил ҳисобига халқ хўжалик юкларини ташимоқда.**

**Зарафшондаги автотранспорт бошқармасида пешқадам ҳайдовчилар жуда кўп. Юксак касб маҳорати, экскаваторчилар билан ўзаро ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш шофёрларга вақтдан ўзиб кетиш имконини беряпти. И. Гук эса, бу соҳада ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатаётир. Машинани ўз вақтида техника кўригидан ўтказаётганлиги натижасида унинг ремонтсиз ишлаш муддатини қарийб икки баравар узайтирди.**

**Ҳайдовчилар ўртасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Мусобақа пешқадамлари шонли санага бир ярим йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдилар.**

## ҚУВВАТЛАР ОШМОҚДА

**Андижон ип газлама комбинатида янги йирик корхона — пардозлаш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу ерда газлама охорлаш поток линиялари фойдаланишга топширилди. 162-қурилиш тресты ва унинг пудратчи ташкилотлари коллективлари фабрикани графикдан қарийб бир йил ўзиб бунёд этмоқдалар.**

**Йил охиригача пардозлаш фабрикасида читга гул босиш станоклари ҳам ишлай бошлайди. Республика тўқимачилик саноатининг етакчи корхонаси — Андижон комбинати ўшанда ҳар йили 92 миллион квадрат метр тайёр чит ишлаб чиқара оладиган бўлади.**

## РЕКОНСТРУКЦИЯ ШАРОФАТИ

**Бухоро областида сунъий кўл — Қуйимозор сув омборини реконструкция қилиш ишлари кенг кўламда олиб боряпти. Сув омбори яқин келажакда ўз бағрига 320 миллион кубометрга қадар обиҳаётни сиғдира олади. Бу эса салкам 13 минг гектар экин майдонининг сув таъминотини яхшилайди.**

**«Амубухараканалстрой» бошқармаси коллективи реконструкция ишларини муддатидан олдин тугаллаш учун курашмоқда.**

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

## «МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг март ойи сони босилиб чиқди. Журнал КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми тўғрисидаги хабар билан очилади. «Союз аъзоси номини эъзозлайлик» сарлавҳали бош мақола журналистларнинг ижтимоий активлиги ва масъулият ҳиссини оширишга бағишланган.

«Матбуотга партиявий раҳбарлик» рубрикаси остида Андижон область партия комитетининг секретари М. Муҳиддиновнинг «Эътибор, ғамхўрлик ва талабчанлик асосида» сарлавҳали мақоласи, шунингдек, Тошкент область партия комитетида бўлиб ўтган ветеран журналистлар билан учрашув ҳақидаги корреспонденция эълон қилинган. «Таъсирчанлик — бош мезон» деб номланган янги рубрика материаллари «Кашкадарьинская правда» область газетасининг редактори В. Соснинннинг «Сўз, иш ва натижа» сарлавҳали мақоласи билан бошланади.

Журналда шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қатор материаллар ҳам ўрин олган.

